

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 5 » февраль 20 20 ы.

№ 61

Toshkent sh.

**“Самарқанд вилоятида мураккаб минерал ўғитлар ишлаб чиқариш
кимёвий мажмуасини барпо этиш” инвестиция лойиҳасини амалга
ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ–4265-сон қарори ижросини таъминлаш, жумладан, кимё тармоғига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, замонавий энергия тежамкор технологияларни жорий этган ҳолда юқори самарали мураккаб ва фосфорли минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмларини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ–4265-сон қарорига мувофиқ “Самарқандкимё” АЖ устав капиталидаги 60,35 фоиз давлат акцияларини ва “Ўзкимёсаноат” АЖнинг 39,65 фоиз акцияларини экологик жиҳатдан зарарсиз замонавий кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиш шарти билан салоҳиятли инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб борган ҳолда “ноль” харид қийматида сотишга розилнк берилганлиги;

б) хорижий инвестор “Ferkensco Management Limited” (Кипр) компанияси (кейинги ўринларда инвестор деб аталади) билан “Ўзкимёсаноат” АЖ ўртасида “Самарқандкимё” АЖ негизида “Самарқанд вилоятида мураккаб минерал ўғитлар ишлаб чиқариш кимёвий мажмуасини барпо этиш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш юзасидан (кейинги ўринларда лойиҳа деб аталади) ўзаро келишувга эришилганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, “Ўзкимёсаноат” АЖ ва инвестор ўртасида 2019 йил 1 ноябрь куни ҳамкорликнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги 1-сон Келишув имзоланганлиги, унда инвесторга:

Ҳукумат кафолатини талаб этмаган ҳолда, лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари натижасига кўра аниқланган қийматда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, шунингдек, хорижий ва маҳаллий молия институтларининг кредитларини жалб қилиш;

лойиҳани амалга ошириш натижасида 200 млн АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилишини таъминлаш;

2023 йил 1 июлга қадар “Самарқандкимё” АЖ негизида мураккаб минерал ўғитлар ишлаб чиқаришнинг замонавий, экологик жиҳатдан зарарсиз мажмуасининг (кейинги ўринларда объект деб аталади) ишга туширилишини таъминлаш;

“Самарқандкимё” АЖнинг кредитор қарздорликларини сўндириш, ишга туширилган объектда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун камида 500 та янги иш ўринлари яратиш;

“Самарқандкимё” АЖда йиллик қуввати 600 миң тонна минерал ўғитлар, жумладан 300 миң тонна моноаммонийфосфат (МАФ) ва 300 миң тонна мураккаб минерал ўғитлар (НРК) ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар юкланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги объект қурилиши даврида “Самарқандкимё” АЖ ишчиларини иш билан таъминлаш ҳамда объект ишга туширилгач, ишчиларни уларнинг тегишли малакалари бўлган тақдирда, янги қурилган кимёвий мажмуада иш билан таъминлаш чоралари кўрилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда “Ўзкимёсаноат” АЖ сўровига биноан инвестор инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида қабул қилинган инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш учун объектга кириш очиклигини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги “Ўзкимёсаноат” АЖ, Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда инвестор билан “Самарқандкимё” АЖ устав капиталидаги 100 фоиз акцияларни “ноль” харид қийматида, шу жумладан мазкур қарор 1-бандининг “в” кичик бандида кўрсатилган мажбуриятларни инобатга олган ҳолда, сотиш бўйича олди-сотди шартномасини имзоласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги ва “Ўзкимёсаноат” АЖ билан биргаликда 2020 йил 1 июлга қадар базавий лойиҳа натижаларига асосан инвесторнинг инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларига аниқлик киритган ҳолда ўзаро Инвестициявий битим белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

4. Белгилансинки, олди-сотди шартномаси ва Инвестициявий битимда кўрсатилган инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар белгиланган муддатларда ва ҳажмда бажарилмаган тақдирда, акциялар ўз эгаларига самарали бошқаришни ташкил қилиш учун қайтарилди, инвестор томонидан илгари киритилган инвестициялар қайтарилмайди.

5. “Самарқандкимё” АЖ ва инвесторга 2021 йил 1 июлга қадар қурилиш ишларини лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтнинг ўзида олиб боришга истисно тариқасида рухсат берилсин.

6. Самарқанд вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография, ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда инвестор ёки “Самарқандкимё” АЖ мурожаат қилган кундан бошлаб бир ойдан ошмаган муддатда лойиҳа доирасида қурилиш ишлари учун доимий ёки муддатли (вақтинча) фойдаланиш, жумладан, муҳандислик коммуникацияларини ўтказиш ва вақтинчалик иншоотларни қуриш учун зарур бўладиган ер майдонлари ва иншоотлар белгиланган тартибда ажратилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси лойиҳа белгиланган тартибда экологик экспертзадан ўтказилишни ҳамда лойиҳанн амалга ошириш даврида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига амал қилиниши юзасидан тегишли назорат ўрнатилишини таъминласин.

8. “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Худудгазтаъминот” АЖ талаб этилган миқдорда электр энергияси ҳамда табиий газ етказиб бериш юзасидан 2020 йил 10 февралга қадар “Самарқандкимё” АЖ билан ўзаро шартномалар белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

9. “Ўзкимёсаноат” АЖ “Самарқандкимё” АЖга мураккаб минерал ўғитлар ишлаб чиқариш учун зарур миқдорда хомашё ресурслари, шу жумладан сувсиз сиқилган аммиак, калий хлориди, карбамид ва бошқа кимёвий маҳсулотларни кимё ташкилотлари билан тузилган шартномалар асосида белгиланган тартибда мунтазам етказиб бериш чораларини кўрсин.

10. “Самарқандкимё” АЖ Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан биргаликда лойиҳа ҳужжатларининг экспертизадан ўтказилишини ва тасдиқланишини таъминласин, шунингдек, ишлаб чиқиладиган ишчи ҳужжатларнинг эксперт кузатувини ўрнатсин.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги лойиҳа доирасида олиб бориладиган қурилиш-монтаж ишлари сифати юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини амалга оширсин.

11. Лойиҳани амалга ошириш доирасида 2023 йил 1 февралга қадар объектни қуриш доирасида импорт қилинадиган товарлар ва материаллар, хомашё, ускуналар, машина ва механизмлар, бутловчи буюмлар, технологик ускуналар, приборлар, транспорт воситаларининг эҳтиёт қисмлари, ёқилғимойлаш материаллари мажбурий тартибда сертификатлаштиришдан озод этилсин.

12. Лойиҳани амалга ошириш даврида инвестор ҳамда “Самаркандкимё” АЖ буюртмаларига асосан ўрнатилган тартибда қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги – хорижий мутахассисларга кўп мартали кириш визаларини, зарур ҳолларда, Ислам Каримов номидаги Тошкент ҳамда Самарканд халқаро аэропортида расмийлаштиришни;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги – хорижий мутахассисларга кўп мартали кириш визаларини берилишини ва узайтирилишини ҳамда улар яшаш жойида вақтинча рўйхатга олинишини;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги – Ўзбекистон Республикасига хорижий ишчи кучини жалб этишга (Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан бўлмаган) рухсатномалар бериш (муддатини узайтириш) ҳамда чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини олиб бориш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилишини таъминласин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси-энергетика вазири А.С.Султанов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов